

Баҳодир ХУДОЙБЕРГАН

**УМРИМДАН  
ЛАҲЗА**

Шеърлар ва достон

“Ижод дунёси” нашриёт уйи

Тошкент – 2004 й

84(55)6-3

21

NATLIB.UZ

1031138  
0g1

X 4702620202-12  
2004

©“Ижод дунёси” наприёт уйи. 2004

20/03	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston M.
A1613	10

## **БАҲОДИРНИНГ ШЕЪРЛАРИ**

Қайдан чиқиб келди бу овоз. Февралнинг тугаётган Қўй йилига, Маймунлар йилига “Хайр”ими? “Лазги”нинг охирги зарбларими?

Бунда қуриб битаеттган Оролнинг, туби чиқиб, кўриниб қолган Окс – Амударёнинг овози. Овози. Йигиси эмас. Улар йигламайдилар.

Хов, юрак нима қилаётибди? Бу ёқда шунча иш...  
Бу – юракнинг овози. Кимдан хабар олиш, кимни  
чорлаш кераклигини юрак энди тушунди.

Ҳа, юрак баҳо бермайди, у тушунади. Ҳа, камдан кам юрак. У нолакор, лекин суюқ чорлаш билан ўзи ҳақда ва атрофда: ылар ҳолидан огоҳ қиласди.

Мусиқа ва зарб бор. Гүё Муллонафас ва Баҳром Рўзимуҳаммад ижоди ҳислари бириккандай.

**ОМОН МАТЖОН**

14.02.2004

## **ОЛМА...ЛИҚ**

Олма...лиқ — сен битта! Юзимга тикил!  
Күплар тониб кетди, имкон қулади.  
Фалак “ма”! — деб берса ушлаб бил!  
Йүқса дунё сенга бир кун қулади.  
Шунча йил ёлғыз теракдек яшадим,  
“Бахти қаро” - деди, кимдир ўйланмай.  
Ахир, гуллар ичра табасум күрдим,  
Ўзга табассумни севолмам нетай.  
Дард боссан бош аста эгилаверар,  
Юкин құтаролмай қолған шох каби,  
Рұхий қасрларинг емирилаверар,  
Забонсиз ғужумдек Хоразмдаги.  
Жоним, сен битта юзимга тикил!!!  
Күплар тонди, кетди, имкон қулади.  
Сен учун ўлганман, шуни бил!  
Фақат макон ичра жисмим юради.

10.11.1995

## **БУРГУТ**

Мен,

танорни эзіб сувини ичдим,  
Ва секин құлимдан тушди-ю, кетди.  
Энг зукко нигоҳли, осмонга бек күш  
Дабдурустдан уни күкларга элтди.

Мен ҳайрон. Бу не гап? Ёки тасодиф?  
Күнгил овлашмикин, ё бир шунча-ки.  
Эй осмон, бир сен-ку не бўлса воқиғ,  
Жазм этолмассан айтишга ҳамки!

Ана,

Ана боғда пишган хурмолар,  
Танлагин, Сен учун тушайин ўтга!  
Қара, доғ тушмаган тўлиқ Олмалар,  
Йил бўйи сайланиб кетмоқда четга.  
Сен эса юксакка учиб кунба-кун,  
Шавкатинг, уруфинг ўсар баландда.  
Лекин сен билмайсан аслида бу кун,  
Қандай воқеалар кечмоқда пастда.  
Кўнглимдан юзимга нафрат отилар,  
Баъзан кўриб қолсам, чўққи, боғ аро.  
Нетай айттолмасман, бир ичим билар:  
Зукко кўзли Бургут, эзилган Анор.

21.04.1995

### ҲАММА ХУРСАНД

Ҳамма Сенга тилади тилак,  
Бой ҳам бўлдинг хаш-паш дегунча.  
Узоқ умр кўрдинг ҳам яшаб,  
То ўзингдан фармон бўлгунча.  
Сен хурсандсан ширин сўзларга,  
Бизлар хурсанд топган-чун кўнглинг.  
Шу дастурхон ҳаққи, тузларга,  
Бошқа не гап айтиш ҳам мумкин?  
Туни билан ўйин, кулги, най,  
Тарқашамиз тонгнинг ўтида.

Гүё бир гап қолиб кетгандай,  
Тилдан қочиб күнгил тубида.  
Ким-ки ният қылса гар етгай,  
Гарданидан босмагай қайғу.  
Сенга худо фарзанд бахш этгай,  
Лекин сенга ўхшамагай у!

26.01.1995

### ТҮЛҚИН

Түлқин ўйнар көнг денгиз ичра  
Ва эркалаб қочар шамолдан.  
У чарчаши билмайди сира,  
Жилва олиб қуёш томондан.  
Тебратди кемани ҳар ён,  
Бирдан сапчиб күтаради бош.  
Лекин билмас у түлқин ҳамон,  
Кутиб тураг қирғоқда бир тош.

14.03.1997

### УМРИМДАН ЛАҲЗА

Бугун,  
Йиллаб айттолмаган сўзимни айтдим.  
Сўнги нуқтамгача қулоқ солди Гул,  
Руҳим тоза бўлди, фалакдан қайтдим,  
Ажиб бир табассум қилиб кетди ул.  
Тоғлар йўл беришди, сесканди қуёш,  
Барглар бир-бирига шивирлаб қолди,  
Тунлар минг тўлғанганд қалам кўзи ёш,  
Холис хизматидан қувониб олди.

Сиримни ёймасдан етказган қушлар,  
Чулдираб сарпосин кутиб турибди.  
Рұхим қувонтирган хаёлий тушлар.  
Парвона рақсга тушиб юрибти.  
Бурғутнинг осмонда қаноти синди,  
Овчи сўнгги ўқи отилмади, оҳ!  
Дахшатли чақмоқлар чақилди, тинди,  
Тиканнинг учидар турар экан БАХТ!

### КУЗ

КУЗ кетса новдадан узилар япроқ,  
Дараҳт қўл чўзиб турари йиглаб.  
Замин тўнин ечар, тош бўлар тупроқ,  
Қуёш фарёд уриб кетар узоқлаб.  
Фасл сўнги қадамин музга босади.

СЕН кетсанг зулматдир бу нурли дунё,  
Бир умр армонга ботади юрак.  
Гулдан ҳусн қочар, оламдан зиё,  
Менга сўнг зарурмас, яшамоқ, юрмоқ,  
Мен сўнги қадамим ўтга босаман!

### ҚАЙТАМАН ДЕГАНЛАР

Баҳорни олқишилаб бу айём куни,  
Қушлар излаб келди она юртини.  
Афғонга кетғанлар зор этар мани,  
“Қайтаман” - деганлар  
келмади қайтиб.

Дўст деб чўзилган қўл етмай чопилди,  
Кимдир душман бўлди,  
кимдир дўст бўлди.

Дўстим асир бўлди, акам отилди.  
“Қайтаман” - деганлар келмади қайтиб.

Бизлар берған ғоя шиор бўлмади,  
Бизлар берған қурол, қурол бўлмади.  
Йиллаб душман отдик, адо бўлмади,  
“Қайтаман” - деганлар келмади қайтиб.

Муҳаббат кўр эмас йўлин топади.  
Яна сўлим юрга тонглар отади.  
Адашган тобутда тилсим ётади,  
“Қайтаман” - деганлар келмади қайтиб.

Тоғ очиқ мозорга айланиб қолди,  
Оналар боролмай йиглашиб олди.  
Кимдир унвон олди,  
ким қарғиш олди,  
“Қайтаман” - деганлар келмади қайтиб.

Хайқирдим овозим осмона етди,  
Бу жаҳон ташвиши ҳайрона этди.  
Шер юрак ботирлар қаёна кетди,  
“Қайтаман” - деганлар келмади қайтиб.

Жон берган биз эдик тухматга қолдик,  
Ёв деб биз кимларни нишонга олдик.  
Тарихнинг олдидаги ўйланиб қолдик,  
Қайтаман – деганлар келмади қайтиб!

## СУНЬИЙ ГУЛ

Сунъий гул, сунъий муҳаббат,  
Барча фасл, барча замонда.  
Яшаш учун гуллаб туриш шарт,  
Икки ўрта, сенинг хонангда.

Янги-янги қуylар битилар,  
Бир-биридан баланд бу қаср.  
Қадаҳ сўзлар, меҳмон кутилар,  
Лек айтилмас кўнгилдаги сир.

Ўз йўлида сузади кема,  
Майишатга кетар сайёҳлар.  
Ҳеч ким айтмас “Қаерга?”, “Нега?”,  
Фақат ҳамма вақтини чоғлар.

Сунъий гул, сунъий муҳаббат,  
Барча қаср, барча замонда.  
Ўртада гул, икки ён сурат,  
Келин бўлган сенинг... хонангда.

## ВАТАН

*Отам Йўлдош Худойберган  
Онам Бибижон Ўрозбой қизига*

Тонг отди юртимга бир шамол келди  
Кушлар сесканишиди, гуллар эгилди.  
Кимдир қучоқ очди, кимдир қўл берди,  
Суюнчи сўраб келдинг,  
кувончдан мастман.

Кимларга бош эгдик, бирма бир сана,  
Биз учун ҳаммаси ёлғон, афсона.  
Ана саройга боқ, мана сағана,  
Юрагим дош беріб  
тинглай билмасман.

Хар қадам остида буюклар қабри,  
Вайрона қалъалар, тарихнинг сабри.  
Ким құлға тор олса йиғлайди бари,  
Бу күзлар ёшланса ёта билмасман.

Юлдузлар қай холда,  
билилмам таъбириң,  
Йиғолмай хайронман китоблар сатрин.  
Бир улкан давлатдан қолған тарихин,  
Сайёхлар олдида айта билмасман.

Мунчалар нағисдир ранглар қалъаси,  
Күли гул усталар, ҳофиз ноласи.  
Бахши айтишуви, масҳарабози,  
Тонгача ёнидан кета билмасман.

Сувини шүр билиб пойтахтга қочсам,  
Үзим буюк санаб бир юлдуз очсам.  
Куй билан үйғонсам,  
давлатим сочсам,  
ОНАЖОН, йиғламанг,  
ташлаб кетмасман.

Циқмаган жонимиз, ҳайрат “Лазги” бор,  
Түй бор, туғилиш бор, ёнимизда ёр.  
Уч миллат баҳтига борди-келди бор,  
Ундан ортиқ БАХТни сеза билмасман.

## **ЯРИМ МИНОРАМ**

*Укам Ҳамрода*

Юрагимнинг ярми умид ва соғинчга  
 ўраб кўмилган,  
 Хевадаги шифохона остонасига.  
 Мен пойтахтдан отилиб бораман,  
 Буюк гумбазлар ёнида оқ чойшабда ётган,  
 онам Қиличбойдан.

Ярми қуриган боғ, ярми нураган хотира,  
 Ярим тонг бўлган укам —  
 Ярим минорни қучоқлаб йиғлаймиз,  
 Отамнинг ярим давлати!

Қанот боғлаб учиб кетган устаси.  
 Мангу жумбоқ бўлди, қолди бир назм,  
 Сайёҳлар пинжингда суратга тушар,  
 Сен-ла жуда баланд саҳнə — Хоразм.

## **МУНГЛИ НАЖОТ ҚЎШИФИ**

*Алишер Навоийга*

Хаёлот бу кеча ўтмишга кетди,  
 Чақмоқ зарби фалак бағрин қон этди.  
 Ҳар күш наво қабрин зиёрат этди,  
 Мен бора билмасман юрганим билан.

Гуллар буюк эмас ранглар бўлмаса,  
 Тунлар зулмат эрур шамлар бўлмаса.  
 Эсласанг, кўзларда намлар бўлмаса,  
 Борим бекор эрур ёнганим билан.

Жаҳонгир босган юрт қонга айланмиш,  
Ўзга тил эл учун нонга айланмиш.  
Қули боғлиқ доно, дорга шайланмиш,  
Енида халойиқ тургани билан.

Бобом териб қўйган дурдоналари,  
Бу - наслим ўтмиши, нишоналари.  
Қўлга олсам мушкул, кўп маънолари,  
Тилим боғлиқ қолар кўрганим билан.

Ҳар йил бобом эслаб, дўстлар, жам бўлинг,  
Ўқ еган тулпорга бир малҳам бўлинг.  
Дийдор кўришгунча саломат бўлинг,  
Навоий шод бўлгай — келганинг билан!

7.02.1990

## ИККИ ЖАҲОННИНГ ОРАСИ

Дилимда икки боғ, икки мусиқа,  
Икки ғаним қўшин, қўҳна обида.  
Не деб тикилай мен қушлар юзига,  
Икки нурли жаҳон овворасиман.

Биринг кўча гули, уйда ўсмайсан.  
Биринг уй безаги, кўчага йўқсан,  
Иккингиз бор жойда яшнамас маскан,  
Мен ўзга бир ойнинг дил порасиман

Бир лаҳза асалу бир лаҳза заҳар.  
Бири мағлуб бўлса, ул қучар зафар.  
Ҳар икки чўққида тафаккур — асар.  
Икки тотли зулмат орасидаман.

Фотиҳа ўқилар менга Бахт тилаб,  
Мен “шифт”да, ожиз күз ётар йўл қараб.  
Мурғак қалблар қочар бегона, ё раб!  
Пайғамбар севмаган қальасидаман.

15.11.1989

Владимир шаҳри

## ТИЛАК

*Шукбурумла ва Светага*

Ёлғондан қувонган кўзларда ёш йўқ,  
Қаълачиқ<sup>1</sup> вайрона бир мисқол тош йўқ.  
Хевада зиндан бор, мангулик ёш йўқ,  
Сен шу дўстларингдан айрилмағайсан.

Тахтда ўтирганлар шохмасди, худо!  
Гўзаллар ўзлигин қилицарди жо.  
Бугун замон чаппа, элидан жудо,  
Сен ўз элингдан айрилмагайсан.

Минг йилда бир вали дунё кўради,  
Кимга ёрлиқ берса, худо билади.  
Бизлар сени деймиз, сенга беради,  
Сен шу гўзалингдан айрилмагайсан.

1989

---

1. Қаълачиқ — Амударё туманидаги  
ер остида қолиб кетган қалъа.

## СУРАТЛАР

Умр бир ип, узун, қисқароқ,  
Осилади ҳар кунги кириң.  
Кимдир осар уни баландроқ,  
Пастга осар яшириб кимдир.

Зёр сураткаш бўлса гар дейман,  
Туширсайди ҳар кунгисини.  
Кўрар эдик ким қандай ювган,  
Кимлар асло юволмаслигини.

Мен барчасин сервантга тахлаб,  
Энг каттасин, осиб деворга.  
“Ҳар бириси, бир давр талаб”,  
Деб баҳона толмасдим дорга.

10.11.1994

## МЕНДАН СЎРАНГ

Шаҳарда,  
сичқоннинг ини минг тилла,  
Мусофирга шу ҳам етади.  
Агар ёрдам бермаса худо,  
Болалари ташлаб кетади.

Ҳеч бир зотдан кутмагил нажот,  
Кимга айтишингни билмайсан.  
Чида, интил, қайтмагил хайхот,  
Бир кун тўйиб-тўйиб йиглайсан.

1988

## ОХ ЗҮР ФАСЛ

*Қаҳрамон ва Гүзалга*

Жумла жаҳон жамдир бу кун,  
Чанқоқ лаблар намдир бу кун.  
Ҳар бир қўлда жомдир бу кун,  
Қўзлар кўзга тушганидан.

Қайга борсам ширин шевам,  
Кимдир Ортиқ, ким Ферузам.  
Миллион йиллик “Лазги” дан ҳам  
Юксак кўнглим, жўшганидан.

Ватан қалбга дур солмишdir,  
Чунки кўздан нур олмишdir.  
Қайда бўлма руҳ солмишdir,  
Жисмингга жон қўшганидан.

Ўтди булутлар соясе,  
Денгиз ичра муз қояси.  
Оҳ, зўр фасл, қушлар саси,  
Нурлар гулга тушганидан.

Яхшилик қилсан одатdir,  
Қолган тонглар – саодатdir.  
Ширин дардdir, ҳам ибратdir,  
Кўнглим бир ҳис сезганидан.

Овозимнинг титроқлари —  
Юксак тоғнинг ирмоқлари,  
Яшнатар сўлғин боғларни,  
Куйлар торга тушганидан.

## **КҮЗИМДАГИ ЁШ**

Бу гул очилмайди бизнинг юртларда,  
Ичган суви бошқа, ўзгача фасл.  
Мен сенга ачиниб айтдим-қўйдимда,  
Инжилган кўнглинга малол келмасин.

Кўп кўрганман сендек умри зоени,  
Қачон кўрсанг юрган дарбадарликда.  
Тўлқиндан емирилган юксак қояни,  
Бир гул деб ажралган мартабалардан.

Сен уни қилмагин энди айбор,  
Қанча опичлама, севма, унга кам.  
Чунки орангизда кў-ў-ўп узоқлик бор:  
Сен чўлни севасан, у тоғда ўсган.

Бу гул очилмайди бизнинг юртларда,  
Балким адашганлар ичра хақдурсан.  
Мен сенга ачиниб айтдим кўп марта,  
Эзилган кўнглинга малол келса ҳам.

*31.08.1995*

## **ҚАЙ РУҲДА УЙФОНАЙ ОТАЖАК ТОНГДА**

Бу кўз, бу лаб, бу нафис қошлар,  
Бу қомат, бу кулиш, атирнинг ҳиди.  
Мени соғингандан тўқилган ёшлар,  
Мухрли, ҳужжатли, меники эди.

Мен куёв бўлган уй ва менинг ўрним,  
Бахмал кўрпачалар, парча ёстиқлар.  
Фахрли қайнотам, қайнона-зулм,  
Менинг тўшагимда бегона ётар.

Тўйимнинг сурати осилган девор:  
Бебаҳо гиламлар, митти ёстиқлар.  
Энди бошқа сурат, ўша қизлар бор,  
Янги совға-салом, янги нотиқлар.

Мен қандай яшайман, қайси дунёда.  
Бу қандай қабр бу, бу қандай ўлим?  
Қай руҳда уйғонай отажак тонгда,  
Кўзингнинг олдида узилса гулинг.


Бу қайси фикрим-чун берилган унвон,  
Кимга сабоқ учун ёзилган эртак?  
Кимга мавзу бўлиб бошлангувчи тонг,  
Кимга ғолибликдан айтишга эрмак?

Бу кўз, бу лаб, нафис қарашлар,  
Бу қомат, бу кулиш, атирнинг ҳиди.  
Мени соғинганда тўкилган ёшлар,  
Муҳрли, ҳужжатли, менини эди.

07.11.1995

## БАХТИ ҚАРОГИНАМ

Нега сен ишондинг ширин сўзларга,  
Оҳу кўзлигинам, нур юзлигинам.  
Нега сен ишондинг ёлғон ҳисларга,  
Бахти қарогинам, бахти торгинам.



Кириб борган сайин дунё ичига,  
Хар лаңза турланиб сирларин очди.  
Ҳислар авжга чиқди, сўзлар кучига,  
Кундузлар узайиб, тун биздан қочди.

Дунё китобларин топиб ўқидик,  
Бир оғиз сўз бўлса тааллуқли бизга.  
Хулоса қилмадик, шеърлар ўқидик,  
Фалсафалар тўқиб ўз-ўзимизча.

Кўзлар учрашганда дунё кўринмай,  
Юксалиб кетардик тубсиз бир кўкдан.  
Биз учун айрилиқ азаидан йўқдай,  
Топиб бўлмас эди ҳеч бир луғатдан.

Энди илтижога раҳм айламас  
На бир сирли фалак, на бир юлдузлар.  
Баҳор биздан йироқ, булбул сайрамас,  
Бизнинг боғда энди очилмас гуллар.

Нега сен ишондинг юксак сўзларга,  
Оху кўзлигинам, нур юзлигинам.  
Нега сен ишондинг ширин ҳисларга,  
Бахти қарогинам, менга зоргинам.

## СЕНЧАЛИК БЎЛМАДИМ

Савлатим йўқ эди, савлатли бўлдим,  
Давлатим йўқ эди, давлатли бўлдим.  
Сени кўрдим куйдим, кул бўлдим,  
Сенчалик бўлмадим.

Оч қолдим, очликдан ўлмадим,  
Йиғлаб йиғлолмадим, кулиб кулмадим.  
Үзим кимлигимни үзим билмадим,  
Сенчалик бўлмадим.

Охулар тоғлардан тоқقا сакирди,  
Йўлбарслар қўённинг пинжига кирди.  
Фарзанддан воз кечган, эрга югурди,  
Мунчалик... билмадим...

Энг ёмон мен эдим, келганинг яхши,  
Хатонгни тушундинг, билганинг яхши.  
Шу кўйга тушгандан ўлганинг яхши,  
Устингдан кулмадим!

Худога шукрни айтмайин нечун,  
Кўрганда мен сендан қочмайин нечун.  
Ўз севган куйим бор, айтмайин нечун,  
Сенчалик бўлмадим.

Бир лаҳза тирикман, фикрим меники,  
Кўз ёшим меники, дардим меники.  
Ота-онам қабри, сабрим меники,  
Сенчалик бўлмадим.

Давлатим йўқ эди, давлатли бўлдим,  
Савлатим йўқ эди, савлатли бўлдим,  
Сени кўрдим куйдим, кул бўлдим,  
Сенчалик..., — Сенчалик бўлмадим.

14.11.2000

## ЙҮЛСИЗ ДУНЁ

Дунё алғов-далғовдир,  
Пул-чун инсон моховдир.  
Ака-указа ёвдир,  
Йүлсиз дунё бу дунё.

Тунда кезар аёллар,  
Шайтон сифат хаёллар,  
Күён шерларни овлар,  
Пулсиз дунё у дунё.

Пулсиз дунё у дунё,  
Улсиз дунё у дунё.  
Йүлсиз дунё у дунё,  
Гулсиз дунё у дунё.

Сен-ла дунё сұлимдир,  
Жайхун бўйи йўлимдир.  
Сени кутиш ўлимдир,  
Сенсиз, дунё у дунё.

# ФОЙИБДАН КЕЛГАН БАХТ

Үглим Жавоҳир Йўлдошга

Туни билан  
ишилади келин,  
Туни билан  
“Уф” тортди йигит.  
Ҳеч ким билмас  
бўлган нелигин,  
Ҳеч ким ёрдам беролмас  
келиб.



*Тун. Келин-куёв ётоқхонаси.*

Хона ичи бирдан ёришди,  
Турли бало қочди ҳар томон.  
Кўқдан қордек бир гўзал тушди,  
Шифт очилди - юлдузли осмон.

**Йигит**

— Кимсан? Тунда не хизматинг бор?

**Фаришта**

Мен, Фаришта! Худо ўнг қўли,  
Ҳар хизматим юксак, улуғвор.  
Ҳар бир сўзим жаннатнинг Гули.

**Йигит**

— Хуш келибсан! Менда не хизмат?

**Фаришта**

— Хизматим шу, бор айтар сўзим:  
Қай даргоҳда эъзозли номинг.  
Қай фаслни қўмсаబ юришинг,  
Кимга қандай берган саломинг!

## Йигит

Гуноҳим кўп, бу сенга аён!

## Фаришта

Бизга аён, ҳа бизга аён,  
Қайси томчи қайдан келиши.  
Қайси бургут шухрати тамом,  
Қай саҳродан тuya ўтиши.

Бахтлисанки, тушдинг назарга,  
Ўз тақдиринг ўзинг қўлингда.  
Муаммонгни ечсак-да бирга,  
Кетаберсам яна йўлимда.

## Йигит

Эй фариштам – фалак элчиси,  
Шунга келдингми оввора бўб!  
Отам бўлган элнинг гулчиси,  
Менда эса муаммолар кўп.  
Яхшиси қўй, илдиз ковлама,  
Хеч даргоҳдан йўқ асло таъмам.  
Қўлим қисиб, кўнглим овлама,  
Беш бармоқдан бири менда кам.

## Фаришта

— Мен ҳар кимга teng кўрмам сўзим,  
Ё шунчаки қадам босмасман.  
Сенга икки давлат келтирдим,  
Шундан бирин ушлагин маҳкам!

## **Йигит**

— Давлат?  
У не давлат бўлдийкин?

## **Фаришта**

Улар шундай бебаҳо неъмат:  
Бири фарзанд, суянчиқ ҳар кун,  
Бири...

## **Йигит шошиб**

Тур-тур, хотин, тургин азизам,  
Зулматдан қоч кутаргин бошинг.  
Худо қабул қилибди арзинг,  
Қадамжога тўккан кўз ёшинг!

## **Фаришта**

Тўхта-тўхта! Уйғотма зинҳор!  
Ишлар чаппа кетиши тайин.  
Ҳали айтар битта шартим бор,  
Айтмай... лавозимдан кетмайин.

## **Йигит**

Шартингни қўй, бизга фарзанд бер,  
Бошқа давлат сенга буюрсин.  
Биз-чун фарзанд, Қуёш билан Ер,  
Доим менинг ёнимда юрсин!

Ҳали туғилманган болага,  
Отам ниҳол эккан ниятлаб!  
Онам турли гилам, матога  
Гуллар ўяр сандиққа тахлаб.  
Оҳ, бечора хотиним менинг.

Ўтиб қолса йўлда, кўчада,  
Чақалогин кўтарган аёл.  
То-ки биздан ўтиб кетгунча,  
Кўзин узмай қараб қолар, лол.  
Ичларимни ит тирнар шу он,  
Тўрт тарафдан сиқади бир куч.  
Фикрларим тўхташар, тамом,  
Ур ҳанжарни, ол ўзингдан ўч!

Фарзандсиз бу дунё дунёмас,  
Заҳар эрур ширин неъмати.  
Гўё дунё бўлар бир қафас,  
Йўқолур дур қадри-қиммати.  
Шундай экан бизга фарзанд бер,  
Бошқа давлат сенга буюрсин!  
Биз-чун фарзанд Қуёш билан Ер,  
Доим менинг ёнимда юрсин!

*Фаришта секин орқага бурилади,  
йигит ҳайрон.*

Тўхта, шошма,  
тўхта Фаришта!  
Хўп дединг-у ғамгин бурилдинг?  
Адашмасам кириб келганда,  
Менга икки давлат келтирдинг!?

## Фаришта

Ха келтирдим фақат бир тугун,  
Үнда икки бебаҳо нेъмат:  
Бири фарзанд, сүянчиқ ҳар күн,  
Бири шуҳрат - илоҳий талант!  
Шундан бирин ушлагин албат!

## Йигит

Оҳ, шеърият, буюк салтанат!

*ғамгин ўйланиб*

Ахир...

ахир қандай мен воз кечайин,  
Ё Гулімдан, ё Қүёшимдан?  
Бошқа шарт қўй мен унга тайин,  
Не-ки кечса ҳам-ки бошимдан.

## Фаришта

Тарози ҳам икки палладик,  
Бирида тош, бирида мева.  
Қайда кўрдинг ҳаридор аҳли,  
Иккисин ҳам олиб кетганин.

*йигит ўйга толди*

Гумбирлади қўққисдан Чакмоқ,  
Минг бўлакка бўлинди Осмон.  
Япроқларни босди бир титроқ,  
Ва баҳорни босди қор бўрон.

Қоқ иккига бўлинди Терак,  
Қотди қолди оққан Солмалар,  
Оҳ тўкилди, тўкилди читраб,  
Гуллаб турган пайти Олмалар!  
Ҳар лаҳзаси сирли фаслнинг,  
Ҳозир ўпдим гул шонасидан.  
Учиб бораётган Охунинг,  
Отишди қоқ пешонасидан.  
Не бўлса ҳам йигит йигит-да,  
Ҳар азобга қўймай на илож.  
Музда ётиб куяди ўтда,  
Топилсайди дардига илож..

*Вазият оғир. Фаришта йигитга “тўхта”  
дегандек ишора қилиб, ухлаб ётган аёлга боқди.*

Аёл ухлар майин ва гўзал,  
Тушларида эмизар гўдак.  
Ҳаёт ширин, тушлари асал,  
Насиб қилса ОНА бўлажак.

*Ухлаб ётган аёлга лутф айлади Фаришта:*

Сен не дейсан авлоди МОМО,  
Сен не дейсан зурёди замин?  
Сенга фарзанд берайнинми, ё,  
Ёки унга шуҳрат берайнин.

*Аёл (уйқуда):*

Биз севишиб турмуш қурганмиз,  
Ва кезганимиз дунё ярмини.  
Денгиз, чўл-у, тоғни кўрганмиз,  
Одамларнинг қувонч ғамини.

Күкда учған ҳар биттә жонзот,  
Худо берган митти чумоли.  
Ташвиши бир: қолса зурриёт,  
Йүқдир бошқа ҳаётнинг боли.

Мен ожиза бир аёл бўлсам,  
Усиз афдар-тўнтар ҳаётим.  
Она бўлсам, баҳтиёр ўлсам,  
Осмонларга етмасдан додим!

...Аёл ухлар, кўздан оқар ёш,  
Иссиқ ёшлар ёстиқни ўйиб.  
Йигит йиғлар, беролмай бардош,  
Тувакдаги гулга бош қўйиб.

### Йигит

Мен ўйлардим: бир қудук қазсам,  
Аҳли жонзот қўрқсан саҳродан.  
Кўмилмаса тошлар ёғса ҳам,  
Лаззат олса сув ичган одам.  
Адашмасдан йўлида хеч ким,  
Кетаберса манзили томон.  
Сўзлаб берар қавмига, мумкин,  
Қандай қилиб қолганин омон!

Топилмаган ҳали ранглар кўп,  
Ёзилмаган қизиқ эртаклар.  
Очилимаган қалъа, жанглар кўп,  
Чақалоқдек ширин куртаклар.  
Яратолсам илоҳий бир куй,  
Ватан учун муқаддас бўлса.

Яратолсам илоҳий бир күй,  
Ошиқларга саждагоҳ бўлса!  
Мен шундайин хаёлпарстман,  
Қайси буюк китобин ўқиб,  
Мен шундай к-ў-ў-пп орзуга мастман,  
Ўз-ўзимича фалсафа тўқиб.

### Фаришта

Сен тиз чўкма, менда ҳам Эрк йўқ,  
Йўқ фармоним, шахсий махкамам.  
Кўнглим менинг Тангримга боғлиқ,  
Сен нимани кўрибсан, укам.  
Ҳали вақт бор, мухлат бераман,  
Шошма, обдон, минг бор ўйлаб ол.  
Маслаҳатлаш кўпни кўргандан,  
Ва кейинги гапга қулоқ сол:  
Якшанба кун Наврўзи олам!  
Жами олам ўтар элакдан.  
Йиллик режа тузилиб махкам,  
Ризқ ёғилар Ерга Фалакдан.  
Фармон қабул қилиб ҳаммамиз,  
Йифилишиб Ойнинг пастида.  
Фотиҳага қўл кўтарамиз,  
Тун ва тонгнинг қоқ ўртасида.  
Кечикмагин ўша маҳалдан,  
Севиклигинг чиққин етаклаб!  
Иккиланмай ҳолис кўнгилдан,  
Кўкка бокинг худодан тилаб!  
  
Аста-аста тонг ҳам ёришди,  
Тунда нелар бўлмайди содир.

Фаришта ҳам нурга қориши,  
Йигит ҳайрон, титрайди дир-дир.  
Ёруғликнинг борига шукур,  
Тунлар неча кўзни ёшлади.  
Вазифасин бажариб бир-бир,  
Шамлар аста ўча бошлади.

Ҳеч ким билмас эртанг не бўлар,  
Қайси куйлар бизни ўйлатур:  
Чақолоқми дунёга келар,  
Ва ё шуҳрат тожи тўла дур?!

1994-2003.

# МУНДАРИЖА

Олма...лик.....	4
Бургут.....	4
Ҳамма хурсанд.....	5
Тўлқин.....	6
Умримдан лаҳза.....	6
Куз.....	7
Қайтаман деганлар.....	7
Сунъий гул.....	8
Ватан.....	9
Ярим минорам.....	10
Мунгли нажот қўшиғи.....	11
Икки жаҳоннинг ораси.....	12
Тилак.....	13
Суратлар.....	13
Мендан сўранг.....	14
Оҳ, зўр фасл.....	14
Кўзимдаги ёш.....	15
Қай руҳда уйғонай отажон отажак тонгда .....	16
Бахти қарогинам.....	17
Сенчалик бўлмадим.....	18
Йўлсиз дунё.....	19
Фойибдан келган бахт.....	21

**Баҳодир Худойбергән**

**УМРИМДАН ЛАҲЗА**

**(Шеърлар ва достон)**

Муҳаррир: *С. Сироҷиддинов*

Бадиий муҳаррир: *Ш. Одилов*

Техник муҳаррир: *Е. В. Толочко*

Мусаҳҳиҳ: *Н. Боймирзаев*

Саҳифаловчи: *Л. Соатова*

Теришга берилди 10.03.2004 йил. Босишга рухсат этилди  
30.04.2004 йил. Формати 70x90<sup>1/32</sup>. Шартли б.т. 1,17.  
Буюртма №110. 280 нусха.

Баҳоси келишилган нархда.

**«FAN VA TEKNOLOGIYALAR  
MARKAZINING BOSMAXONASI»да**

чоп этилди.

Тошкент ш., Олмазор кӯчаси, 171.